

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ ЖАСУРБЕК ЖАҲОНГИРОВИЧ

СЎЗЛАРНИНГ МЕТАФОРИК МАЪНОЛАРИНИ ИЗОҲЛИ
ЛУҒАТЛАРДА КОДИФИКАЦИЯЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира
тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Contents of Dissertation
Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in Philology**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
филологическим наукам**

Эгамбердиев Жасурбек Жахонгирович Сўзларнинг метафорик маъноларини изохли луғатларда кодификациялаш тамойиллари	3
Egamberdiyev Jasurbek Jahongirovich Principles of codification of metaphorical meanings of words in explanatory dictionaries	27
Эгамбердиев Жасурбек Жахонгирович Принципы кодификации метафорических значений слов в толковых словарях	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати List of published works Список опубликованных работ	49

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
РъД.03/30.12.2019.Ёи.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ ЖАСУРБЕК ЖАҲОНГИРОВИЧ

СЎЗЛАРНИНГ МЕТАФОРИК МАЪНОЛАРИНИ ИЗОҲЛИ
ЛУҒАТЛАРДА КОДИФИКАЦИЯЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, ҷоғвирма
тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (РъД)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fil1001 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Андижон давлат университети веб-сайти (www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Умарходжаев Мухтор Ишпиходжаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Ҳошимова Дилдора Мадаминовна
филология фанлари доктори

Самандаров Рустамжон Дўсёрович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Етакчи ташкилот: Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даража берувчи PhD 03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг «17» август 2020 йил соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: (99874) 223-88-14; факс: (99874) 223-88-30; e-mail: agsu_info@fdu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (774 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. Тел.: (99874) 223-88-14

Диссертация автореферати 2020 йил «5» август куня тарқатилди.
(2020 йил «5» август даги 1 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Ҳ.Шаҳобиддинова
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

У.Э.Раҳимов
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

С.Р.Мирзаева
Илмий даража берувчи Илмий кенгаш
қўшмадаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссергацияси аннотацияси)

Диссергация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослиги, жумладан, амалий луғатшунослик тилда миллий-маданий ҳодисаларнинг ифодаланишига ҳамшиша эътибор қаратиб келган. Шу боисдан тилшуносликда тилни миллий-маданий ҳодисалар дискурсида тадқиқ қилувчи лингвомаданиятшунослик юзага келди. Тил бирликларини лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ қилиш замонавий тилшунослик фанининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди.

Жаҳон тилшунослигида тил ва маданият муносабати тадқиқига эътибор кучайганлиги уларни ўзида яққол акс эттирувчи метафоралар тадқиқининг ҳам муҳим масала эканлигини кўрсатади. Шу маънода, кўчимлар, унинг марказида турувчи метафора ўзининг соф миллий табиати билан ажралиб туради. Унда миллий тилнинг борлиқни таснифлаш ва ўз манзарасида акс эттириш хусусиятлари мужассамлашган бўлади. Метафорада халқ турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари, менталитети, тафаккури, билиш жараёни каби қатор ҳодисалар ўз ифодасини топади. Шу боисдан метафорани лингвомаданий нуқтаи назардан тадқиқ қилиш тил ва жамият муаммоси кесимида ҳар доим ҳам долзарб масала сифатида намоён бўлади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ўзбек тилининг давлат тили сифатида макоми ва нуфузини кўтаришга бўлган ҳаракатлар турли типдаги луғатларга бўлган эҳтиёжни орттирди. Натижада бир тилли ҳамда таржима луғатларини яратиш ва уларни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб эта бошлади. Жаҳон амалиётида тил ўрганувчиларнинг лексик компетенцияларини ривожлантириш мақсадида ўқувчиларни лингвомаданий компетенцияларга ўргатиш тажрибаси ўзининг самарали натижаларини бераётганлиги сир эмас. Бу эса, ўз навбатида, миллий маданий хусусиятларни ўзида акс эттирувчи метафораларни турли луғатларда кодификациялаш масаласининг нечоғлик долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори, 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссергация тадқиқоги муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссергация республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-

маърифий ривожлантиришда инновацион тоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида метафорани ташкил қилувчи лисоний бирликлар лингвистик аспектда ўрганилган фундаментал ишлар қаторида Лакофф Д., Телия В.Н., Аверина Е.Д., Арутюнова Н.Д., Базарова Л.В., Бахтин М.М., Блэк М., Будаев Э.В., Чудинов А.П., Вико Дж., Галеева Н.Л., Демьянков В.З., Дондуа К., Дубровина И.И., Дэвидсон Д., Кнабе Г.С., Которова Е.Г., Красных В.В., Лаврентьева Н.Б., Джонсон М., Пюльзю Е.А., Рынков Л.Н., Склярская Г.Н. ва бошқаларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонлик олимлардан А.Абдуазизов, Д.У.Ашурова, Ш.С.Сафаров, М.Умархўжаев, М.И.Расулова, А.Э.Маматов, И.К.Мирзаев, Б.Йўлдошев, А.М.Бушуй, С.Р.Раҳимов, Ж.Ёқубов, ва А.Мамадалиевлар ўз тадқиқотларида тил бирликларини прагматик ва когнитив нуқтаи назардан таҳлил қилишган бўлса, луғатлар билан амалий ишлашни ўргатиш масаласи куйидаги тадқиқотчиларнинг ишларида ёритиб берилган: Т.И.Чижова, А.А.Семенюк, З.А.Потиха, Д.Э.Розенталь, Ф.И.Вирченко, В.Вознюк, И.В.Галлингер, А.И.Геберле, П.А.Грушников, Л.Н.Калинина, Г.Н.Лебедева, Н.П.Пикалова, Т.В.Хачатурова, Г.Г.Еркибаева¹.

Бироқ юқорида номлари зикр этилган тилшунос ва лексикографларнинг изланишларида метафоранинг миллий, этник маънавиятни, характерни ўзида акс эттирадиган миллий-этник, ментал тавсифи, семантик хусусиятлари, стилистик дунёсини луғатларда кодификациялаш² масаласи алоҳида монографик планда ўрганилган эмас.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси-нинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Андижон давлат университети қошидаги «Инновацион луғатшунослик маркази»да олиб борилаётган «Замонавий лексикография муаммолари» илмий-амалий йўналиши ҳамда Инглиз тили фонетикаси кафедрасида ўрганилаётган «Прагмалингвистика ва когнитология» номли устувор илмий-тадқиқот фаолиятга мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади метафоранинг лексик-семантик, лингвомаданий хусусиятларини очиш билан бирга уларни луғатларда кодификациялаш усуллари таҳлил қилишдир.

¹ Пикалова Н.П. Формирование у младших школьников умения пользоваться лингвистическими словарями разных типов. Автореф. Дис. ... канд. пед. наук. - Санкт-Петербург: 2000 г.; Т.В.Хачатурова Обогащение лексического запаса младших школьников на основе использования лингвистических словарей. Автореф. Дис. ... канд. пед. наук. - Майкоп: 2007; Г.Г.Еркибаева. Методика работы с учебными словарями на уроках русского языка и литературы в старших классах Казахской школы. Автореф. Дис. ... канд. пед. наук. - Алматы: 1995.

² Кодификация [лот. Codification – кодекс тузиш < codex – қонунлар мажмуи + facere – қилмоқ, бажармоқ] Меъриий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини қайта ишлаш йўли билан уларни бир бутунликка келтириш жараёни (ЎТИЛ 5 жилдди. 3-жилд – Т.: ЎЗМЭ, 2008. – Б. 386); Codification – the act of codifying or being codified (Webster's Third New International Dictionary. – Germany: 1993. – P. 438).

Тадқиқотнинг вазифалари:

метафоранинг луғат таркибида тутган ўрнини аниқлаш ва уларни луғатларда кодификациялаш усулларини таҳлил қилиш;

метафорик сўзлик маъносининг умумистеъмол, норматив тил доирасида қўлланиш даражасини белгилаш;

сўзнинг кўчма маъноси: метафора ва омоним сўзларнинг луғатларда фарқланиш даражасини аниқлаш;

архаик маъноли метафораларнинг луғатларда берилишини ва неологик метафораларнинг луғатларда кодификацияланишини таҳлил қилиш;

метафорик сўзларга луғатларда стилистик, грамматик ва фонетик тавсиф бериш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида метафоралар ва уларнинг луғатларда берилиши танланган.

Тадқиқотнинг предмети метафоранинг семантик, лексикографик ҳамда лингвомаданий аспекти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур ишда қиёслаш, дистрибутив, статистик, лексикографик таҳлил ва прагматик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

метафораларнинг луғат таркибида тутган ўрни аниқланди ва уларни луғатларда кодификация қилиш усуллари тадқиқ қилинди;

сўзнинг кўчма маъноси: метафора ва омоним сўзларнинг луғатларда фарқланиш даражаси аниқланди;

метафорик сўзлик маъносининг умумистеъмол, норматив тил доирасида қўлланиш даражаси белгиланди;

архаик маъноли метафораларнинг луғатларда берилиши ва неологик метафораларнинг луғатларда кодификацияланиши таҳлил қилинди;

метафораларнинг миллий табиати очиқ берилди;

метафоранинг олам лисоний ва лексикографик манзарасидаги ўрни тавсифланди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Метафорик маъноли сўзларни турли луғатларда кодификация қилиш тамойиллари тадқиқи натижасида чиқарилган хулосалар тилшунослик учун муҳим илмий-назарий маълумотлар бериши, лексикографияга оид назарий ва амалий курсларни ташкил этишда манба бўлиши, бир тилли, кўп тилли ва таржима луғатлари, дарсликлар ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Таҳлилга тортилган материаллар тилнинг универсал хусусиятларига доир хулосалар қилиш имконини берди. Уларнинг асослилиги методологик мукамаллиги, шунингдек, қўйилган масалаларнинг аниқлиги ҳамда олинган натижаларнинг хорижий мутахассислар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ҳамда илмий хулосаларидан бир тилли, кўп тилли ва таржима луғатлар тузиш назарияси ва амалиётида назарий манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот материаллари тилшунослик ва лексикографияда миллий-

маланий хусусиятлар муаммосини тадқиқ этишда ёрдам беради. Шунингдек, диссертация мавзуси доирасида ўтказилган таҳлилларнинг илмий-назарий хулосалари таълим ва тарбия жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти ундаги хулосалардан «Лексикология», «Стилистика» каби фанлар ва махсус Лексикография курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сўзларнинг метафорик маъноларини изоҳли луғатларда кодификациялаш тамойиллари тадқиқотга оид асосий хулосалар ва олинган илмий натижалар асосида:

дунё тилларида метафорик маънони ифодалашда тилнинг структур-семантик жиҳатларидаги ўзига хосликларни қиёслаб аниқлаш, луғатларни шакллантиришнинг тамойиллари хусусидаги хулосаларидан ИТД-1-57 рақамли «Ўзбек тилининг татбиқий йўналишларини амалга оширишнинг дастурини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 89-03-2118-сон маълумотномаси). Натижада турли лингвомаданият вакилларининг коммуникатив самарадорлигини таъминлаш борасидаги қарашларни шакллантиришга эришилган;

сўз маъносининг компонент таҳлил қилинувчи система сифатидаги табиатини очиқ бериш ҳамда тилшуносликнинг замонавий йўналишларида сўз талқинларига оид хулосаларидан «ОТ-Ф8-057 рақамли «Ўзбек тилини системавий тадқиқ этишнинг методологик асослари, метод ва принципларини шакллантириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 89-03-2118-сон маълумотномаси). Натижада тил бирликларининг системавий хусусиятларини ўрганишдаги методологик муаммолар ўз ечимини топган;

тадқиқотда амалга оширилган таҳлиллари натижаларидан «O'zbekiston» телеканалда тайёрланиб, эфирга узатилган «Тилга эътибор», «Ассалом Ўзбекистон!» кўрсатувларини эфирга тайёрлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 12 июндаги 02-13-669-сон маълумотномаси) Натижада кўрсатувлар сценарийсини мазмунан бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқоти натижалари 13 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, республика миқёсида 8 та ҳамда 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола: 3 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 145 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Метафора лингвомаданий феномен сифатида**» деб номланган биринчи бобида замонавий метафорологияда метафора талқини ҳамда метафоранинг тил, маданият ва маънавият муштараклиги аспектига оид фикрлар билдирилган.

Метафоранинг бадий ёки лингвистик ўрганилиши Арасту даврига бориб тақалади. Файласуф «Поэтика» асарида метафорани борлиқдаги аталмишларнинг ўхшашлиги асосида ифодаловчи маъносининг қайта тушунилиши сифатида талқин қилади. Тилшунослар бу тушунчанинг фанимизга риторика орқали ўзлашганлигини таъкидлашади. Бу атаманинг биринчи бўлиб Изократнинг «Evagorus» деб номланган асарида қўллангани ҳақида маълумотлар бор³. XX асрга келиб эса у ҳақиқий илмий тадқиқ объектга айланди, тилнинг ажралмас ва ўзига хос феноменларидан бири сифатида лингвистикада ўрганила бошланди⁴.

Бугунги кунда метафора тилшуносликда ҳатто фан йўналиши даражасига кўтарилди ва метафорология бўйича бажарилган ва амалга оширилаётган ишларни санаш ва қайд қилиш имкони чекланиб бормоқда. Бажарилаётган ишлар тилшунослик фанининг бошқа фанлар билан туташуви натижасида янги-янги муаммолар кун тартибига қўйилмоқда. Тилшуносларнинг умумий фикрларига кўра бугунги кунда метафорологиянинг қуйидаги икки йирик йўналишлари мавжудлигини эътироф этиш мумкин:

- 1.Тавсифий ёндашув.
- 2.Лексикографик ёндашув.

Бу йўналишларнинг ҳар бири ўз ичида янги-янги ёндашувларни қамраб олади ва уларнинг тадқиқ предмети ва методлари ўзига хосдир. Хусусан, тавсифий ёндашув йўналиши кенг қамровли бўлиб, метафорани илмий ўрганишнинг асосий ёндашувларини ўз ичига олади. Улар сирасига қуйидагилар кириши мумкин:

³ Античные теории языка и стиля. – М. – Л., 1936. – С. 217.

⁴ Bühler K. Sprachtheorie Die Darstellungsfunktion der Sprache. Stuttgart; N. Y.: UTB/Fink, 1984 (Nachdruck der Erstausgabe von 1934) [Рус. перевод – К. Бюлер. Теория языка. М., 1993]; Pepper S. C. The Root Metaphor of Metaphysics // J. of Philosophy. 1935. № 32; Richards I. A. The Philosophy of Rhetoric. N. Y.: Oxford University Press, 1936. Stanford W. B. Greek Metaphor. Oxford, 1936; Carnap R. The Logical Syntax of Language. L., 1937. Muncie W. The Psychology of Metaphor // Archive of Neurology and Psychology. 1937. № 37; Bachelard G. La psychanalyse du feu P. Gallimard, 1938; Вико Дж. Основания новой науки об общей природе идей. Л., 1940. Довдуга К. Метафора в широком смысле и метафора поэтическая // Язык и мышление. М., Л., 1940. Т. 9.

1. Метафоранинг герменевтик тадқиқи.
2. Метафоранинг лингвоаксиологик тадқиқи.
3. Метафоранинг лингводидактик тадқиқи.

Лексикографик йўналишда эса бир тилли, изоҳли, ўқув лугатларда ёки таржима лугатларида метафорани тавсифлашга ихтисослашган кўринишлари касб этади.

Метафорик маънонинг лисоний ва когнитив асосини аниқлаш, шарҳлаш герменевтик ёндашувнинг асосини ташкил этади. Метафоранинг герменевтик тадқиқи масаласи миллий ва диний қадриятлар тарихи билан боғланиб кетади. Бу масала билан метафорологиянинг лингвоаксиологик йўналиши машғул бўлади. Бу борада Дж.Лакофф, М.Джонсон, Л.Лаудов, Розов, Л.Б.Альберти, М.Вебер, А.Н.Баранов, В.И.Карасик, Г.Н.Склярская, И.И.Дубровина, Н.А.Лукьянова кабиларнинг олиб борган тадқиқотлари эътиборга моликдир⁵.

Метафорик маънонинг лексикографик талқини масаласи тилшунослигимизда қатор муаммолар билан йўғрилган ва беҳад мураккаб объект эканлиги билан характерланади. Масалан, ўсимлик номларини ифодаловчи метафорик маъноли сўзларнинг изоҳли лугатлардаги талқини масаласида турли хилликлар, бир мустаҳкам мезонга асосланилмаганлигини кўриш мумкин. 2008 йилда чоп этилган беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да *лола* сўзи тавсифида унинг метафорик асосда исм сифатида қўлланилиши айтилади, бироқ *атиргул*, *чиннигул* сўзлари талқинида уларнинг исм сифатида ишлатилиши ҳақида фикр билдирилмайди. Метафорик маънога, албатта, биринчи, яъни бош маъно ёки бошқа бир кўчма маъно асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тадқиқотчилар томонидан метафорик маънони очиб берувчи қатор воситалар мавжудлиги ва улар маънони тўғри ва объектив шарҳлаш имконини бериши айтилган. Хусусан, О.Н.Лагута метафорик маънони шарҳлашнинг қуйидаги мазмуний лингвистик контекстини кўрсатади: «1) тасвирий; 2) маънодошлик; 3) зид маънолилик; 4) маънодошлик-зид маънолилик; 5) тур-жинслилик ифодаловчи контекст; 6) уядошлик; 7) тақлидий контекст.

Тил миллий ва номиллий воситалардан таркиб топган бўлишига қарамай, унда мавжуд номиллий, яъни ўзлашма бирликлар шу тил соҳиби бўлган миллат онги призмасидан ўтган фикр маҳсулини ифодалар экан, миллийлик билан тўйиниб боради. Ўзлашма бирликлар уни ўзлаштирган миллат маънавий

⁵ Карасик В. И. Оценочная мотивировка, статус лица и словарная личность // Филология. 1994. № 3; Розов Н. С. Ценности в проблемном мире: философские основания и социальные приложения конструктивной аксиологии. Новосибирск, 1998; Lakoff G., Johnson M. *Metaphors We Live By*. Chicago; L.: The Univ. of Chicago Press, 1980a; Lakoff G., Johnson M. *The Metaphorical Structure of the Human Conceptual System* // *Cognitive Science*. 1980 b. № 4; Склярская Г. Н. К вопросу о метафоре как объекте лексикографии // Современная русская лексикография. 1981. Л.: Наука, 1983; Дубровина И. И. Особенности проявления семантической универсалии в разносистемных языках (метафорическая модель «Путь» в русском и английском языке): Автореф дис. ... канд. филол. наук Саратов, 2001. Лукьянова Н.А. Образы множества в языке и речи // Актуальные проблемы лексикологии и словообразования. Новосибирск, 1975. Вып. 4; Склярская Г.Н. К вопросу о метафоре как объекте лексикографии // Современная русская лексикография. 1981. Л.: Наука, 1983; Лукьянова Н. А. Семантические процессы в лексико-семантических группах // Семантические процессы в системе языка. Воронеж: Изд-во Воронеж. ун-та, 1984.

бойлиги билан тўйинади, бир вақтнинг ўзида миллий маданиятни ўзга маданият унсури билан бойитади. Бир қарашда оригиналлик касб этгандек туюлувчи маданият аслида маданиятлар байналмилаллашуви, маданиятлараро коммуникатив глобаллашув жараёнида ўзининг янги босқичига кўтарилади, миллий ўзига хослик янги сифат босқичида намоён бўлади. Миллатлараро интеграциялашув фақат лексик ўзлашмалар доирасида кечганлиги сабабли ҳам у қандайдир диффузлик касб этмайди, ўзи кириб келган маданиятни ўзига сингдиришга қодир эмас, балки ушбу маданият таркибига сингиб кетади.

Ҳар бир тил миллий бўлганлиги каби, миллий нигоҳ ҳам борлиқни баҳолашда миллий-маданий тафаккур ва стереотиплар асосида иш кўради. Шу боисдан миллий маданият, кадрият ва тафаккур ўлчамлари борлик ҳодисаларини «ўлчаш» баробарида, ўлчаш воситаларига ҳам миллий-ментал «эталон» асосида муносабатда бўлади.

Маълумки, ҳар қандай маданият ифодаси символик табиатга эга⁶. Ифодаловчилар рамзий моҳиятга эга бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида ташқи қобик бўлиш билан бирга, иккинчи томондан, ўз «мағзи» билан бамисоли эт ва тирноқ каби бирлашиб кетади. Бундай талқинда тилнинг белгилик хоссасига маълум даражада путур етгандек кўринади. Ҳар қандай шартли белгидан фарқли ўлароқ, тил белгилари ва унинг ифодаланмишлари орасида қандайдир бошқа ботиний боғлиқлик мавжуддек туюлади. Зеро, тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги илохийлик ғояларини илгари сурувчи қарашларнинг мавжудлиги ҳам унинг бошқа «шартли» белгилардан фарқлилигини кўрсатади.

Дж.Вико таъкидлаганидек, «ҳар бир метафора кичкина мифдир»⁷. Шунинг ўзиёқ метафорани миллийлик бўёғидан холи тасаввур қилиб бўлмаслигини кўрсатади. «Шу сабабли борлиқни муайян ва мавҳум ҳис қилиш амалга оширилади ва шунинг учун ҳам у тилда миф ижод қилишнинг самарали усули ҳисобланади»⁸. Шу маънода жаҳон метафорологиясининг атоқли вакиллари бўлган Дж.Лакофф ва М.Жонсоннинг қуйидаги фикрларини тадқиқотнинг йўналишини белгилайдиган методологик қийматли асос сифатида келтириш мумкин: «Биз барча маданий кадриятлар метафорик система билан мувофиклашган ҳолатда реал ҳукм суради дейиш фикридан йироқмиз. Фақат реал мавжуд бўлган ва маданият каърига чуқур сингиб кетган кадриятларгина метафорик тизим билан мувофиклашади»⁹.

Шевалараро лексик фарқларда ҳам метафорик хосланишлар шу шева вакиллариининг тил воситасида шаклланган этник онги ва кадриятлари силсиласи билан белгиланади. Масалан, *ширини* метафорик қўлланиши Ширин қишлоғидан ташқарида маълум бир когнитив ва комик функция бажаради. Аммо шу ҳудудда яшовчилар учун унинг бу вазифаси мутлақо юзага чиқмайди.

⁶ Базарова Л.В. К вопросу о соотношении языка и культуры // Образование и культура России в изменяющемся мире. – Новосибирск, 2007. – С. 72-76.

⁷ Вико Дж. Основания новой науки об общей природе наций. Л., 1940. – С. 146.

⁸ Мусаева Е.М. Миф и метафора // Фразеология в дискурсах разных типов. Вестник ИГЛУ. Сер. Лингвистика. Иркутск: ИГЛУ, 2000. – С. 113.

⁹ Лагута О.Н. Лингвометафорология: основные подходы <http://www.Balkan.Rusistics> | Статьи | Монографии. Метафорология. Теоретические аспекты. Ч.1. Г.2. § 3-5. – С. 4.

Ёки Андижон шеvasида *истамоқ* феълининг «қидирмок» маъноси асосидаги метафорик маъноси бошқа худудларда уқилмасдан қолиши табиий.

Тилларда муқобил ва номуқобил бирликлар мавжуд. Бу ҳақда гап кетар экан, байналмилал сўзлар тўғрисида тўхталишга ҳожат йўқ. Бирок ҳар бир тилнинг ўзида шундай бирликлар борки, улар нисбатан бошқа-бошқа бўлса-да, семантик жиҳатдан маълум даражада яқин бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *китоб, дафтар, қалам, ўчирғич* сўзлари инглиз тилида ҳам ана шундай семантик қийматга эга бўлган сўзлар асосидагина берилади. Бунда, албатта, сўзларнинг бош, асосий денотатив маъноси назарда тутилади. Бирок бу сўзлар кўчма маъно касб этар, яъни метафорик маъно ифодалар экан, энди улардан тиллараро умумийликни эмас, балки фарқларни кузатиш лозим бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *лола* лексемасини олайлик.

«ЛОЛА [ф. ¹لؤلؤ] 1 бот. Лоладошлар оиласига мансуб, йирик, чиройли гулли кўп йиллик ўсимлик; манзарали экма гул ва унинг қизил, сарик ёки тарғил гули.

Лола сайли Ўзбек халқининг қадимги удумларидан бири: кир ва адирларда лола очилган чоғда ўтказиладиган сайил, саёҳат.

2 кўчма поэт. Лола рангли, қизил, қирмизи.

3 Лола (хотин кизлар исми)»¹⁰.

Лексема маъноларидан биринчиси илмий семема ва уни шунинг учун универсал семема сифатида баҳолаш мумкин. Аммо бунда ҳам миллий дунёқараш акс этганлигини далилловчи жиҳат йўқ эмас. Кейинги икки семемага нисбатан соф миллий менталлик нуқтаи назаридан муносабатда бўлинганлиги маълум. Шарқда инсон юзининг қизилга мойиллиги кўркамлик саналади. Буни «Меҳробдан чаён» романида Абдулла Қодирийнинг Раъно киёфасини тавсифлаш учун қўллаган лола сўзи мисолида аниқ амин бўлиш мумкин: ...*Шу кундан бошлаб Лолани кўриш ҳажрига тушдим... Бурнидаги булоқсидан бошқа (агар булоқи ҳуснга қўшулса) «Лола»ликка арзийдирган ҳеч гап йўқ.* (А.Қодирий, «Меҳробдан чаён»). Ўзбек турмуш тарзида қизил ранг ҳашам рангларида бири саналади. Шу боисдан кийим, уй анжомлари, яъни гилам, сўзана кабиларда ҳам қизил рангга эътибор катта бўлиб, *лола* сўзи ранг ифодаловчи бирлик сифатида қўлланади.

Шунингдек, лола лексемасининг ана шу семемаси асосидаги тушунчалар миллий қадриятлар сирасидан кўпроқ ўрин олганлиги боис, унга таянувчи ясама сўзларни кўплаб учратиш мумкин ва уларнинг барчасида миллий коннотатив бўёқни кузатамиз: *лоларанг, лолагун, лолақизгалдоқ* каби. Лоланинг нозиклиги, мўртлиги, поклиги, беозорлиги шунингдек, бечоралиги каби тушунчалар асосида шаклланган ўзбекона қадриятлар сўзнинг метафорик маъносига асос бўлган.

¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли Луғати. 5 томлик. 2-том – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 507.

Диссертациянинг «**Метафораларнинг лингвомаданий ва лексикографик таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида фитоморфик метафора ўзига хос миллий-маънавий феномен ҳамда миллий маънавият ва маданият ифодаси эканлиги ёритилган.

Метафорик маъно, метафорик сўзлар дунёси барча тиллар учун универсал ҳодиса бўлиши билан бирга, оламнинг лисоний манзарасини ифодалашда кенг қамровли ҳодиса, макон ва замоннинг миллий-маданий инъикоси ҳамдир.

Дунё тилшунослигида зооморфик, фитоморфик, антроморфик, химноморфик, вегетатоморфик каби метафораларни ўрганиш бўйича қатор ишлар амалга оширилган. *Фитоморфик* ва *фитонимик* атамаларини бири-биридан фарқлаши лозим. Фитонимик метафора деганда фақат ўсимлик номлари асосидаги ном кўчишлари назарда тутилади: *чинор* («узок умр»), *сарв* («қад»), *лола* («чирой») каби. Бироқ фитоморфик метафорада ўсимлик номлари, хусусиятлари, қисмлари, ҳосил, маҳсулот номларининг метафорик қўлланилиши назарда тутилади: *данак* («невара»), *илдиз* («аждодлар»), *мева* («фарзанд») каби.

Табиийки, фитоморфик метафорада фитонимик лексикага асосланилади. Фитонимик лексика аталмишлари илдизсимонлар, майсалар, поялилар, буталар ва дарахтлардан иборат бўлиб, уларнинг илмий, бадиий, сўзлашув услуби ҳамда турли диалектлардаги вариантларини қамраб олади.

Халқ фитонимлари тизимида иккиламчи номлашнинг асосий усулларида бири кўчим, аниқроғи, метафорик кўчимдир. Бунда метафоризация ҳатто сўз ясалиши даражасига етади. У «оламнинг лисоний манзарасининг иккиламчи номинациясини шакллантиришнинг энг муҳим ва самарали воситаларидан биридир»¹¹. «Метафора боис ноъмалум объектларни маълум объектлар билан қиёслаш йўли билан ҳосил қилинадиган борлиқ ҳақидаги янги билимларни ўзида акс эттирувчи абстракт маънолар шаклланиши юз беради, бу эса хиссий-эмоционал баҳони акс эттирувчи янги концептларнинг вужудга келишини таъминлайди»¹².

Фитоморфик метафоранинг аксарияти лингвистик метафорадан кўра ментал табиати билан характерланади. Зеро, янги ифодаланаётган метафорик маъно, аввало, менталлик хусусияти, миллий руҳият билан омикталашган билимларни акс эттириши билан характерланади. Албатта, бунда лисоний ва нолисоний метафорани фарқлаш лозим бўлади.

Метафора хусусида сўз юритган тилшунослар лисоний ва нутқий жиҳатларни фарқлашар экан, шу асосда миллий ментал феномен сифатида талқин қилишда асосий эътибор нутқий метафораларга қаратадилар. Чунки эмоционаллик ва менталлик, ментал руҳият асосан нутқий метафораларда кузатилади. Менталлик эмоционал-экспрессивлик билан уйғунлашиб кетган

¹¹Телия В. Н. Метафоризация и ее роль в создании языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира. – М. Наука, 1988. – С. 175;

¹²Телия В. Н. Вторичная номинация и ее виды // Языковая номинация (Виды наименования) М., 1977. – С. 192–193

бўлади. Шу боисдан асосий эътибор англашилаётган билимдан кўра, ундан кўзланадиган мақсадга қаратилади.

Фитоморфик метафора турли асосларда ҳосил бўлиши мумкин:

- 1) ассоциатив фитоморфик метафора;
- 2) когнитив фитоморфик метафора;
- 3) концептуал фитоморфик метафора;
- 4) синкретик фитоморфик метафора.

Аммо асосан, денотатив ўхшашлик ва сигнификатив уйғунлик белгилари фитоморфик метафора талқинида таянч омиллар бўлиб қолаверади.

Барча кўчимларда бўлгани каби фитоморфик метафорада сўз семантик системасининг ўзгариши икки кўринишда бўлади:

- а) лисоний ўзгариш;
- б) нутқий ўзгариш.

Лисоний ўзгариш сўз семантикаси янги тушунчани ифодалаш учун ишлатилишида кўзга тапланади. Барча фитонимлар бир пайтнинг ўзида икки хил тушунчани ифодалаш и ўзбек тили изоҳли лугатлари орқали далилланган, албатта, бунда *ток* сўзининг «узум» тушунчасини ифодалай олмаслиги каби ҳолатлар бундан мустасно. Қуйида «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да берилган фитонимларнинг семантик структурасига диққат қиламиз:

1-жадвал

Лексема	1-семема	2-семема
АНЖИР (ЎТИЛ, 1-том, 85-бет)	Тутдошлар оиласига мансуб сутсимон ширадор шапалок баргли дарахт	Шу дарахтнинг серурут ейишли меваси
АНОР (ЎТИЛ, 1-том, 87-бет)	Анордошларга мансуб, кичикрок дарахт ёки бута шаклидаги субтропик ўсимлик	Шу дарахтнинг ичи кизил доналар билан лик тўла юмалок меваси
ГИЛОС (ЎТИЛ, 1-том, 501-бет)	Атиргуллилар оиласига мансуб кўп йиллик мевали дарахт ва унинг меваси	
ОЛХЎРИ (ЎТИЛ, 3-том, 119-бет)	Раънодошлар оиласига мансуб данакли мева дарахти	Шу дарахтнинг ширин меваси
БОДРИНГ (ЎТИЛ, 1-том, 296-бет)	Қовокгулдошлар оиласига мансуб, бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ейишли ҳосили	
ҚОВУН (ЎТИЛ, 5-том, 319-бет)	Қовокдошлар оиласига мансуб, ҳосили йирик ва ширин бир йиллик полиз ўсимлиги ва унинг ҳосили	

ҚУЛУПНАЙ (ЎТИЛ, 5-том, 375-бет)	Раъногулдошлар оиласига мансуб, кўп йиллик ўтсимон ўсимлик, резавор экин	Унинг пупшти-қизил рангли ширин, хушбўй меваси
ПОМИДОР (ЎТИЛ, 3-том, 294-бет)	Итузумдошлар оиласига мансуб сабзавот ўсимлиги ва шу ўсимликнинг олмасимон юмалок, қизил, баъзан сарик рангли меваси	
БУҒДОЙ (ЎТИЛ, 1-том, 393-бет)	Ғалладошлар оиласига мансуб ўтсимон ўсимлик ва унинг дони, ғалласи	
МАЙМУНЖОН (ЎТИЛ, 2-том, 529-бет)	Танаси тиканак билан қопланган, ерда чўзилиб ўсадиган, нордон, қорамтир-қизил гуж мевали кўп йиллик ўсимлик	

Кузатишлардан маълум бўладики, фитоним ва унинг маънолари изоҳида кўчимнинг хусусияти, тури ва маънонинг структураси масаласида мунозарали жиҳатлар мавжуд. Аксарият дарахт номлари бўлган фитонимларда «дарахт» ва «ҳосил» семалари асосида иккита алоҳида сема ажратилган: *олма, ўрик, олча, олхўри, ёнгоқ, шафтоли* каби лексемалар бунга мисол. Бироқ луғатдаги *жийда* лексемасида бундай ҳолни кузатмаймиз. «Поялилар» ва «палаклилар» ЛМГларига кирадиган аксарият лексемаларда бош ва кўчма маъно бир бутун ҳолда тушунилади ва битта семема остида берилади: *буғдой, помидор, арпа, маккажўхори* каби. Аммо негадир *қулупнай* лексемасида икки семема ажратиб берилган.

Фитоморфик метафоризация механизми мураккаблиги билан характерланади. Чунки бунда фитонимик объектнинг ички ёки ташқи, «ўсимлик» ёки «ҳосил», субстанциал ёки зоҳирий аломатлари кўчим учун хизмат қилганлиги бир томондан бу мураккабликка хизмат қилса, иккинчи томондан, ўхшатилаётган объектнинг кўпинча мавҳум характердалиги ҳам масалани мураккаблаштиради. Масалан, кишига нисбатан қўлланадиган *терак* (ёки *мирзатерак*) метафорик ифодаси *терак* сўзининг денотатив маъноси асосида бўлиб, бу ерда шаклий, зоҳирий ўхшашлик асос қилиб олинган. Шу боисдан бунда ижобий эмас, балки салбий баҳо бўёғи ифодаланган ва иккиламчи номинацияда салбий коннотация вужудга келган. «Узоқ умр» маъносида *чинор* сўзи англатмишининг бевосита кузатишда берилмаган ботиний сифати киши ёшига нисбатан сифат қилиб олинган ва бунда мавҳумлик қиёфасидаги маънонинг ижобий эмоционал-экспрессив коннотация билан йўғрилганлигига амин бўламиз. Демак, фитоморфик метафора, ҳар қандай метафора каби, ижобий ёки салбий коннотация ифодаланиши билан фарқланади.

Фитоморфик метафора бирёклама ёки иккиёклама антропоцентрик хусусият касб этади. Зеро, ҳар иккала ҳолда ҳам метафора инсон тафаккури маҳсули сифатида унинг коммуникатив эҳтиёжларини қондириш, максалини рўйбга чиқариш учун хизмат қилади. Лекин ким ёки нимани тавсифлашига кўра, бошқача айтганда, кимга йўналганлигига кўра антропоцентрик бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, *Болағинамнинг боласи, қантак ўрикнинг донаси* мақолида *ўрик* ва *дона* фитоморфик кўчимлари кишини тавсифлаш учун қўлланган ва иккиёклама антропоцентрик метафора сифатида эътироф этилиши мақсадга мувофиқ.

Тил маънавият ифодаловчиси сифатида ўзини намоён қилар экан, бунда фитоморфик метафорала миллий маънавият қай тарзда ва даражада акс этишини текшириш ҳам аҳамиятлидир.

Тилшуносликда жонли ва жонсиз табиат ҳодисаларининг барча тилларда инсонни, инсон хусусиятларини англатишини кўришимиз мумкин. Масалан, Е.А.Пюльзю шимолий рус лексикасини тадқиқ қилиб, инсонни ва атроф-муҳитни тавсифлаш учун метафоризация жараёнида «инсон», «предмет», «табиат ҳодисаси», «ўсимлик дунёси», «мифологик персонажлар» иштирок этишини таъкидлайди¹³.

Бошқа метафоризация каби том маънодаги фитометафоризацияни маърифий-бадий асарларда кўриш мумкин. Бу гуруҳга мансуб асарлар муаллифлари ўз олдларига маърифат ғояларини бадий усулда куйлашни ва шу асосда оммалаштиришни мақсад қилиб қўйишган. Уларда маърифий-фалсафий қарашлар ва бадий фикрлар бадий рамзлар, тимсоллар ва образлар воситасида берилади. Мир Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр», «Лисонут-тайр», Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшанул-асрор» каби маснавий дostonлари шулар жумласидандир¹⁴.

Ўзбек лингвомаданий муҳитида фитоморфик метафоранинг халқ тарихи, яшаш тарзи ва орзу-интилишларини англатишида ўзига хос ўрни бор.

Халқ мақолларида фитонимик лингвокультурема фикрнинг мақсади, объекти ёки воситаси сифатида намоён бўлиши мумкин. Мақол яхлит ҳолда метафора, мажоз ёки рамз сифатида тушунилиши лозим. Мақолдан кўзланган мақсад учун унинг тўғри маъноси фақат бир восита сифатида намоён бўлади, холос. Шу боисдан мақоллар луғатида мақолнинг бош маъносини изохлашни мақолни изохлаш сифатида тушуниш маъқул эмас. Мақол кўчма маъно асосидаги феномен. Метафорик маъно мақолнинг моҳиятини ташкил қилади. Акс ҳолда у оддий нақдан иборат бўлуб қолур эди. Масалан, *гул* ва *пиёз* бирликлари қатнашган бир мақолга мурожаат қилайлик: *Тонган гул келтирар, топмаган бир боғ пиёз*. Бунда «гул» ва «пиёз» предметлари ҳақида гап кетганда мазкур сўзларни лингвокультурема сифатида қараш маъқул эмас. Зеро, у оддий лексема сифатида нутқда сўз кўринишида иштирок этмоқда. *Гул* энг азиз ва қимматбаҳо нарсанинг рамзий фитометафорик атамаси, *пиёз* эса унинг акси

¹³ Пюльзю Е.А. Метафорическая лексика в структурно-семантическом аспекте (по материалам севернорусских говоров). Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Петрозаводск, 2008. – 22 с. – С.13, 20

¹⁴ Воходов Р., Незьмагов Х., Махмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Т.: Ёзувчи, 2001. – Б.38

сифатида идрок этилганда, гул ҳақидаги инсоний тасаввурлар методологик қиймат касб этганда у рамз даражасига кўтарилади, лингвокултурама сифатида идрок этилади ва талқин қилинади. Мазкур мақолда инсон курби етса, совға сифатида энг қимматбаҳо нарсани тақдим этади, иложи етмаса, унинг учун арзирлик нарса сифатида пиёз намоён бўлади. Бунда *гул* ва *пиёз* лингвокултуремалари «қиммат» -- «арзон» миллий-ментал-маданий сема асосида зидланади. Уларнинг лексик маъноси структурасидаги бошқа денотатив семалар лингвокултурама сифатида намоён бўлганда, мўътадиллашади.

Диссертациянинг «**Метафорик маъноли сўзларни изоҳли луғатларда кодификация қилиш тамойиллари**» деб номланган учинчи бобида луғатнинг мақсад ва вазифалари, луғатларда «сўзлик» масаласи ҳамда метафораларнинг луғатларда хатланиши масаласи тадқиқ қилинган.

Метафоралар нафақат бадиий адабиётда тилнинг жозибадорлигини, эстетик қувватини оширувчи бирлик сифатида, балки таълим-тарбияда, фан-техника соҳасида, тиббиёт ва бошқа соҳаларда ҳам изоҳловчи қурол сифатида муҳимдир. Демак, метафоралар илм ҳамда тилни бойитибгина қолмай, инсон ҳатти-ҳаракатини тушуниш, идрок қилиш учун ўзига хос восита ҳамдир. Бундай миллий бойликни сақлаб, изоҳлаб келажак авлодга етказиб бериш вазифаси изоҳли луғатлар зиммасига юкланганлиги барчага маълум. Чунки ҳар қандай луғат инсон тафаккурининг ижоди сифатида авваламбор фактлар асосида тўпланган, умумлашган тажриба маҳсули ҳисобланади.

Сўзнинг тилдаги турғунлиги, яъни унинг шу тилда гапирувчилар томонидан доимо эътироф этилиши, уни кодификация қилиш яъни, меъёрий хатлаш учун асосий мезон ҳисобланади. Албатта, тилда тўхтовсиз пайдо бўлаётган янги тушунча, термин-атамалар бундан мустасно. Бундай сўзлар махсус неологизмлар луғатининг объекти бўлиши билан бирга изоҳли луғатларда ҳам маълум даражада инобатга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Луғатга киритилган сўзликнинг сони ва сифатига қараб сўз маъносининг (маъноларининг) таркибий қисмланиши, яъни семаларнинг қай тарзда изоҳланганлиги, таърифланганлиги, тавсифланганлиги ҳамда тушунтириб бериш маҳорати даражаси луғатнинг ютуғи ва қийматини белгилаб беради. Луғатга тартиб беришнинг биринчи принципи адресатни белгилаб олишдир. Луғатшуносликнинг бошқа барча тамойиллари ушбу принцип ечими орқали амалга оширилишини талаб этади¹⁵.

Луғатлардаги сўзлик талқини кенг қамровли бўлиб, биз тадқиқотимизни луғатлардаги сўзликларнинг метафорик маънолари билан ўзаро боғлиқлиги ва луғатлар тузилишида уларга қай даражада тартиб берилганлиги метафорик маъноли сўзларнинг қуйидаги тамойиллари орқали таҳлил қилинди:

1) Метафорик сўзларнинг маъноси умумистеъмол, норматив тил доирасида қўлланиш даражаси;

¹⁵ Умарходжаев М.И. «Основы фразеологии» Ташкент, «Фан» нашриёти, 1983, 97-бет.

- 2) Сўзнинг кўчма маъноси: метафора ва омоним сўзларнинг луғатларда фарқланиш даражаси;
- 3) Арханк маъноли метафораларнинг луғатларда берилиши;
- 4) Янги пайдо бўлган, неологик метафораларни луғатларда кодификацияланиши;
- 5) Диалектларга хос метафоралар ва уларнинг луғатларда акс эттирилиши;
- 6) Илмий-техникавий ва соҳа метафорик сўзларининг луғатларда берилиши;
- 7) Метафораларнинг луғатларда изоҳланиши;
- 8) Метафорик сўзларга луғатларда стилистик характеристика берилиши даражаси;
- 9) Метафораларга грамматик ва фонетик характеристика бериш кўрсаткичи;
- 10) Метафораларни иллюстратив (далилий) мисоллар орқали изоҳлаш масаласи.

Тилдаги мавжуд товушлар ва сўз маънолари орқали янги тушунча ва маънолар ифодаланади, янги полисемантик сўз шаклланади. Кўп маъноли сўз орқали инсон ўз фикр-мулоҳазаларини кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Маълумки, кўп маъноли сўз мураккаб семантик системага эга. Унинг асосий-марказий маъноси бўлган ҳолда, бир қатор иккинчи даражали ёрдамчи-қўшимча маънолари ҳам бор. Ушбу маъноларнинг пайдо бўлишининг турли таракқиёт йўллари мавжуд. Уларнинг асосий-марказий маъно билан узок ёки яқин жойлашганлигига қараб улар у ёки бу белгилар орқали фарқланадилар. Бу мураккаб семантик ҳолатнинг ечими фақат лексикология назарияси учун аҳамиятли бўлибгина қолмай, лексикография учун, луғатларга тартиб бериш учун ҳам жуда муҳимдир.

Луғат тузиш жараёнида асосий масалалардан бири сўзнинг асосий-марказий маъноси билан унинг ёрдамчи маънолари, аниқ маъноси билан мавҳум маъноларининг муносабати, бош сўзнинг маъноси ва қўшимча маъноларнинг ўзига хос белгилари ҳамда кўп маъноли сўз билан омоним сўзлар чегарасини аниқлашдан иборат.

Метафораларнинг луғатларда муҳрланиши учун қуйидаги уч саволга жавоб топиш талаб этилади:

1. Инглиз тилидаги кўп маъноли сўзлар ўзларининг иккинчи номинацияси орқали луғат таркибидаги бошқа сўзлардан ўзларининг маънолари сони билан фарқланадими?

2. Кўп маъноли сўзнинг асосий-марказий маъноси билан ёрдамчи маънолари ўртасида фарқлар мавжудми?

3. Кўп маъноли сўз умумистеъмолдаги сўзлар қаторида ўзининг барча маънолари билан қандайдир боғлиқликка эгами?

Ушбу ҳолатларни аниқлаш мақсадида биз бир неча (Chambers 20th Century Dictionary (1983, Буюк Британия), Macmillan English Dictionary (2007, Буюк Британия), Большой Англо-Русский Словарь (1972, Москва), The Merriam-

Webster Dictionary (2018, AҚIII), Oxford Dictionary of Current English (2006, Буюк Британия) лугатларни таҳлил этдик. Шунингдек, лугат таркибининг ўзгариши ва ривожини аниқлаш мақсадида баъзи ўринларда нисбатан аввалроқ чоп этилган лугатлар (The Shorter Oxford English Dictionary on Historical Principles, Oxford, 1934; The Concise English Dictionary of Current English, Oxford, 1934; Мюллер. Англо-Русский Словарь, Государственное издательство иностранных и национальных словарей, Москва, 1950) ҳам қиёсга тортилди.

Инглиз тилининг асосий лугат таркибидан ўрин олган от, сифат, феъл сўз туркумларига тааллуқли кўп маъноли сўзлар лугатларда турли тарзда берилган. Масалан, «Chambers 20th Century Dictionary» лугатидаги от сўз туркумига кирувчи BODY сўзининг барча маънолари билан танишганимизда, бу сўзнинг 16 та маъноси берилган, 1-, 13-, 15- маънолари биз тадқиқ этган бешта лугатнинг барчасида берилган, 2-, 3-, 4-, 6-, 10-, 11-маънолари фақат тўрт лугатга киритилган, 9-, 14-маънолари учта лугатга кодификация қилинган, 5-, 7-, 12-, 16-маънолари иккита лугатда берилган, 8-маъноси фақат битта Chambers 20th Century Dictionary лугатига киритилган холос. Ушбу сўзларнинг қўлланиш даражаси бадий асарлардан олинган мисоллар орқали далилланиши мумкин.

Лугатлардаги сўзларнинг маъноларини аниқлашда уларнинг жойлашиш тартибида бир хиллик кузатилмаган. Кўп маъноли сўзларнинг маънолари сонидан ҳам, уларга берилган изоҳларда ҳам турлилик мавжуд. Айниқса сўзларнинг метафорик маъноларини аниқлашда ва уларга тартиб беришда ҳар бир лугатнинг ўз йўли мавжудлиги исботланди.

Демак, «Chambers 20th Century Dictionary» лугатида «HAND» сўзининг энг кўп, яъни 36та маъноси берилган. Бундай кўп маънолилиқ биз тадқиқ этган бошқа лугатларда кузатилмади. «HAND» сўзи бошқа лугатларда ҳам ўзига хос тарзда берилган. Масалан, «Большой Англо-Русский Словарь»да 20 та маъноси, «Macmillan English Dictionary» лугатида 8 та, «The Merriam-Webster Dictionary» лугатида 11 та ва «Oxford Dictionary of Current English» лугатида 9 та маъноси киритилганлиги маълум бўлди. «HAND» сўзининг 1-, 5-, 9-, 24-, 35-маънолари барча беш лугатда ҳам кодификация қилинган, 6-, 21-, 25-, 30-маънолари тўртта лугатга киритилган, 8-, 14-, 15-, 17-, 31-маънолари учта лугатда берилган, 3-, 7-, 11-, 12-, 23-, 27-, 28-маънолари иккита лугатда ҳамда 2-, 10-, 13-, 16-, 18-, 19-, 20-, 22-, 26-, 29-, 32-, 33-, 34-, 36-маънолари эса фақат бир лугатда берилганлиги маълум бўлди.

Инглиз тилидаги изоҳли лугатларнинг қиёсий таҳлилларидан шу нарса аён бўлдики, лугатларда берилган кўп маъноли сўзларнинг маъно чегараларини аниқлашда аниқ мезоннинг мавжуд эмаслиги, сўзларнинг умумий маъноси билан махсус маъноларни, тўғри маъно билан кўчма маъноларни тавсифлашда, фарқлашда эркинликнинг мавжудлиги, уларнинг барчасининг маънолари ўртасида қандайдир сезиларли даражада маъно ўтиши – боғлиқлик борлиги сабабли барчаси бир бош сўз остида берилган. Маънолар орасидаги семантик

ўтиш, боғлиқлик аниқ бўлмаган ҳолатларда метафорик сўзлар бош сўз мақоласининг сўнгида бериш амалиёти мавжуд.

DUCK – 1. утка. 2. утиное мясо, утятина. 3. разг. человек; парень, мальчик. 4. голубушка, голубка. 5. спорт. игрок, не набравший ни одного очка. 6. воен. грузовик-амфибия. 7. воен. жаргон. новобранец, навичок. 8. Растратчик.¹⁶

Бундай ҳолатлар кўпинча икки тилли лугатлар учун маъқул ҳисобланиб, лугатнинг ўзига ҳослиги ва ўқувчининг эҳтиёжидан келиб чиқилганлиги билан исботланади.

Сўзликка ўта майдалаштирилган ҳолатда тартиб берилиши, кўп маъноли сўзларнинг кичик-кичик гуруҳларга бўлиниши лугатдан фойдаланиш жараёнида қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги «Chambers 20th century dictionary» лугати энг замонавий. мукамал тузилган лугатлардан бири эканлигига шубҳа йўқ, лекин баъзи сўзларнинг маънолари ўта майдалаштирилган ҳолда берилганлиги ва ушбу маънолар бир-биридан жуда оз даражада фарқланиши фойдаланувчиларда биров кийинчилик туғдириш эҳтимоли бор. Масалан, TO DRAW сўзининг 54 та (379-бет), HAND сўзининг 36 та (568-бет), HEAD сўзининг 35 та (576-бет), TO BREAK сўзининг 35 та (152-бет) маънолари берилган.

Тадқиқотга тортилган лугатларда сўз маъноларининг жойлаштирилиши асосан қуйидаги лексикографик тамойилларга асосланганлиги аниқланди:

1. Лугатларда бош сўзнинг маъноси мақоланинг бошига жойлаштирилган ҳолда, маънолар жойланиши уларнинг семантик боғлиқлиги асосида амалга оширилган.

2. Биринчи ўринда сўзнинг асосий маъноси берилган.

3. Нисбатан кўпроқ қўлланиладиган, ишлатиладиган маънолар улардан сўнг берилган.

4. Бош сўзнинг кўчма маъноси одатдагидек асосий маънолардан кейин берилган.

5. Бош сўз омонимик маънога эга бўлса, яъни шакл жihatдан бир хил бўлиб, маъно боғлиқлиги сезилмаса, бу сўз алоҳида тил бирлиги сифатида рим раками билан белгиланиб махсус лугат бирлиги сифатида берилган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, сўз маъносининг хослашуви, маънонинг кенгайиши ёки торайиши метафорик кўчиш жараёни билан бир хил эмас. Уларнинг боғланиш йўллари тил тизимида ўзгача шакл-шамойилга эгадир.

Метафорик кўчим, одатда сўзнинг эмоционал бўёқдорлигини кучайтириш мақсадида ўзига хос маънога эга бўлган, ўзининг турғун лексик қуршовига эга бўлган бирликдир. Шу нуқтаи назардан метафорик сўзларни кўп маъноли сўзлар таркибида, мақола сўнгида алоҳида берилиши назарий ва амалий лексикография принциплари асосида амалга оширилган.

Лугатларда сўзларнинг маънолари имкон борича қисқа, содда ва лўнда шаклда изоҳланиши керак. Тушуниш қийин бўлган ибораларга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Изоҳ таркибида ишлатилган сўзлар ўз навбатида ўша

¹⁶ И.Р. Гальперин. Большой Англо-Русский словарь 1972 Москва, с 418

луғатда оддин изоҳланган бўлиши керак. Изоҳланувчи сўз далилий-иллюстратив мисоллар орқали исботланмоғи зарур. Ушбу умумлексикографик тамойиллар метафорик сўзларни изоҳлашда ҳам асосий мезонлардан ҳисобланади.

Бош сўзнинг метафорик маъносини тушунтириб бериш учун бир қанча имкониятлар мавжуд:

1. Дефиниция қилиш, яъни сўзнинг маъносини очиш ва тушунтириш орқали изоҳлаш.

2. Маънодош ёки синоним сўзлар орқали изоҳлаш.

3. Қарама-қарши маъноли сўзлар орқали изоҳлаш.

4. Юқорида кўрсатилган барча усуллар орқали изоҳлаш имконияти йўқ бўлса, яъни изоҳлаш оғир, тушуниш қийин ва унга тўғри келувчи синонимлар мавжуд бўлмаса умумий комментария бериш талаб этилади.

Изоҳли луғатларнинг асосий мақсад ва вазифаси тилдаги кўп ишлатиладиган, ҳозирги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда истеъмолдаги сўз ва ибораларни кодификация қилишдир. Шу аснода, ҳар бир луғатнинг сўзлигини шакллантириш жараёнида бир қатор архаик, тарихий метафораларни ҳам луғат таркибига киритиш ёки киритмаслик масаласи луғатшунослар учун бир қатор қийинчиликлар туғдиради.

Луғатшунослар учун қийинчилик туғдирувчи ҳолатлардан яна бири тилда янги пайдо бўлган ва бўлаётган метафорик сўзларни луғатларга олиш масаласидир. Бир қатор янги метафоралар дунё миқёсидаги ижтимоий, сиёсий ўзгаришлар натижасида пайдо бўлмоқда. Бу борада тадқиқотчи Н.А.Аверьянова сўнгги пайтларда инглиз тилида сиёсий ва ижтимоий ҳолатларни ифодаловчи «a banana problem», «Cappuccino economy», «Dirty money», «Christmas creper» каби янги метафорик қўшма сўзлар пайдо бўлганлигини эътироф этади¹⁷. Бу каби янги метафоралар экспрессив-эмоционал хусусиятларга эга бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши бир қатор экстралингвистик омиллар билан боғлиқдир.

Ушбу масаланинг тўлиқ ечими алоҳида илмий иш мавзуси бўлишлигини инобатга олган ҳолда биз тиллардаги мавжуд метафорик сўзларнинг берилиш даражасига эътибор қаратамиз. Дарвоқе, бу борада ҳам луғатшунослар орасида турли қарашлар мавжуд. Бу қарашларнинг асл моҳияти диалектларга тааллуқли бўлган метафорик сўзларнинг луғат таркибидаги тутган ўрни билан боғлиқ. Янги пайдо бўлаётган тушунчаларни номлаш мавжуд диалектлардаги сўзлар орқали амалга оширилиши мумкинлиги ҳам диққатдан четда қолмаслиги керак. Зеро, янги тушунча билан сўз ўртасидаги боғлиқлик қандайдир қонуният асосида пайдо бўлиши мумкин. Машҳур тилшунос А.А.Потебнянинг таъкидлашича, «Сўз маъноси билан янги тушунча ўртасида боғлиқлик мавжуд, уларнинг умум белгилари бор – Tertium Comparationis»¹⁸. Изоҳли луғатларда маълум даражада адабий тил мақомига эга бўлган, диалектларда кўп қўлланиладиган метафораларга изоҳ бериш мақсадга мувофиқдир.

¹⁷ Аверьянова Н.А. Неологические метафоры в английском и русском языках // (http://www.rusnauka.com/30_NNM_2012/Philologia/7_118494.doc.htm)

¹⁸ Потебня А.А. Мысль и язык. Харьков, 1913, 194-бет.

Фан-техника, илмий лексика турли хис туйғулардан холи сўзларга эга бўлишлиги таъкидланса-да, сўнги пайтларда турли тиллар материаллари асосида олиб борилган илмий ишларда соҳа лексикасида ҳам ўзига хос метафорик сўзларнинг қўлланилиши таъкидлаб ўтилмоқда. Метафора фан-техника ва соҳага оид сўзларга ҳам дахлдор бўлиб, бундай маъноларни луғатларда кодификация қилиш мақсадга мувофиқдир.

FOOT – 1 the part of your body at the end of your leg; 2 (linguistics) a section of a line of a poetry that consists of one syllable that you emphasize when speaking¹⁹.

Ушбу мисолдаги **foot** сўзининг биринчи маъноси *оёқ* бўлиб, иккинчи маъноси лингвистикага тааллуқли термин бўлиб келмоқда, *шеър охиридаги энг сўнги бўгин* ҳам шундай аталади. Бунда *оёқ* баданнинг охири бўлгани учун шеърнинг охириги қисми ҳам шу сўз билан ифодаланмоқда.

TO FREEZE – 1 if water freezes it gets very cold and changes into ice; 2 (computing) if a computer screen freezes the images on it become still and you can't move them²⁰.

Сувнинг *музлаши* ушбу сўзнинг биринчи, асл маъноси бўлса, иккинчи маъноси компьютер соҳасига тааллуқли бўлган *қотиб қолмоқ, ишламай туриб қолмоқ* ўрнида ишлатилмоқда.


Демак, метафора фан-техника ва соҳага оид сўзларга ҳам дахлдордир ва бундай маънолар луғатларда кодификация қилинади.

Ҳар бир луғатнинг қийматини, мазмун-моҳиятини, амалий аҳамиятини луғатга киритилган сўз ва ибораларнинг кенг қамровли «дунё»сини очиб беришда луғатлардаги сўзларга берилган стилистик белгиларнинг аҳамияти катта. Тилнинг луғат таркиби икки асосий қатламдан ташкил топади. *Биринчиси*, эътироф этилган адабий функционал услуб нейтрал катлами, *иккинчиси*, адабий норматив катламдан ташқари қатлам. Инглиз тилининг луғат таркибидаги метафорик сўзлар ҳам тилнинг бошқа лексик қатламлари қаторида асосан икки гуруҳга бўлиниши эътироф этилди. Кўпчилик томонидан эътироф этилган адабий қатлам метафоралари ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади: 1. Нейтрал маъноли метафоралар. 2. Адабий-китобий метафоралар. 3. Сўзлашув услубига оид метафоралар.

Сўзлашув услуби метафоралари ҳам икки хил хусусиятга эгадирлар. Уларнинг бир қисми умумистеъмолдаги адабий тил лексик қатламига тааллуқли бўлса, иккинчиси, адабий тилга оид бўлмаган сўзлашув лексикаси бўлиб, улар норматив тил ташқарисида мавжуддир. Бундай метафоралар ўз табиатига кўра турғун эмас, ёзма нутқда жуда кам учрайди. Лекин, таъкидлаш лозимки, худди шундай метафоралар луғат таркибининг бойишига хизмат қилиши мумкин. Фикримизни қуйидаги чизма билан муфассал ифодалашимиз мумкин:

¹⁹ Macmillan English Dictionary, 2006, 548-бет

²⁰ Кўрс асар 564-бет



ХУЛОСА

Тилни «лисон ↔ нутқ» тамойили асосида ўрганиш, лисоннинг нутқий воқеланиши ижтимоий-психологик омиллар билан қоришган ҳолда амалга ошишини тадқиқ қилиш бугунги антропоцентрик тилшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан биридир.

Метафоризация миллий руҳият ва маънавий қадриятлар заминида амалга ошади. Маълумки, кўчим икки кўринишда бўлади:

- а) лисоний кўчим;
- б) нутқий кўчим.

Лисоний кўчим ижтимоий шартланганлиги туфайли унда кўчимдаги денотация кучайган ва коннотация бунинг эвазига маълум даражада сусайган бўлади. Нутқий кўчимда эса коннотация асосий ўринни эгаллаб, метафоризацияда кўзда тутилган асосий мақсад унинг асосан нутқий кўринишида амалга ошади.

Метафоризация ва метафорик семемани тавсифлашда миллий сема тушунчаси асосий ўринни эгаллайди. Албатта, ҳар бир лексема семемасида у миллий тил лексикаси таркибида мавжуд бўлганлиги туфайли миллий семалардан холи ҳолда бўлиши мушкул. Аммо метафорада аксарият семалар

миллий ментал қадриятларни ифодалаганлиги туфайли миллий характерда бўлади.

Ўсимликлар олами халқ ҳаётида алоҳида ўрин тутади ва унинг турмуш тарзи, миллий ва этник қадриятлари, эътиқодларида мустаҳкам ўрин олади. Шу боисдан, борлиқни миллий нигоҳ билан кўриниш натижасида ҳар бир миллат уни ўзи идрок этиб, ўзича таснифлайди. Таснифлаш натижаси эса тилнинг лексик тизимида, лексик birlikларнинг семантик структурасида ўзининг яққол ифодасини топади. Хусусан, аксарият бирламчи номлар, иккиламчи номинатив birlikлар ва ясама сўзлар ана шу миллий идрокнинг маҳсулини ифодаловчи birlikлар сифатида намоён бўлади.

Метафоралар тилнинг «туш кўриши» бўлиб, унда тил янги ҳаётини яшайди. Шу боисдан алоҳида феномен сифатидаги метафоранинг турли қирралари тилшуносликнинг ҳар хил соҳаларида махсус ўрганилмоқда. Айниқса уни тавсифий, лингвоаксиологик, лингвокогнитологик лексикографик ўрганишлар натижаларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўсимликлар инсониятнинг умри давомида унга ҳамроҳ бўлганлиги туфайли унинг хатти-ҳаракати, ўй-фикри бирор ўсимлик ёки унинг маҳсули номлари воситасида ифодаланиши мумкин. Бу эса борлиқнинг бошқа ҳодисаларини ҳам ана шу мустаҳкам заминга эга стереотиплар асосида баҳолаш, ўлчаш, муносабатда бўлишни келтириб чиқаради.

Фитоморфик метафора фитонимик лексика birlikларининг бош маъноларига асосланади. Бунда фитонимик лексема билан тур-жинс. қисм-бутун муносабатида бўлган бошқа лексик birlikлар ҳам кўчма маъно ифодалаб, фитонимик метафора ҳосил қилиши мумкин.

Фитоморфик метафорада коннотация асосий ўринни эгаллайди ва бу метафоризациянинг асосида коннотатив бўёқларда миллий колоритни, рухиятни ифодалаш ётади.

Фитометафоризация халқ оғзаки ижодида иккиламчи ва учламчи номинация жараёни бўлиб, у ёзма бадиий адабиётда қуйидаги кўринишларга эга:

- а) маърифий-бадиий асосдаги фитометафора;
- б) бадиий-маърифий асосдаги фитометафора;
- в) маърифий-тақлидий асосдаги фитометафора;
- г) бадиий асосдаги фитометафора.

Халқ оғзаки ижодида эса кўпроқ бадиий метафора кузатилади.

Мумтоз адабиётда фитонимик лексика рамз даражасига кўтарилганлиги туфайли уларни муқим фитометафора сифатида тавсифлаш мумкин. Аммо замонавий адабиётда фитометафора муваққат бўлганлиги туфайли улар талқинида контекстуал ёки дискурсив таҳлил усулларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Мумтоз ва замонавий адабиётдаги фитометафорани узумлик-оқказионаллик белгиси асосида зидлаш мумкин.

Фитоморфик лингвокультуремалар халқ ҳаёти билан боғлиқ бўлганлиги сабабли барқарор маданий қиймат касб этади. Бу барқарорлик уларнинг мақоллар таркибидан ўрни олишини таъминлаган.

Фитоморфик лингвокультурема фикр ифодаси учун асосий ва асосий бўлмаган восита сифатида ишгирок этади. Шу боисдан улар мақоллар таркибида турли семантик роль бажаради.

Фитометафора лисоний ва концептуал феномен бўлиб, у нометафорик тушунчасига таянади ва уни ментал маданиятга боғлиқ билимлар билан бойитади.

Бадий фитометафоранинг қўлланилиши ўқувчининг метафорик ва образли тафаккурини ривожлантиради.

Инсон билмаган нарсаларини билган нарсалари асосида баҳолайди. Демак, билган нарса ифодаловчиси билмаган нарса ҳақидаги билимларни ифодалаш, узатиш воситаси сифатида когнитив жараёнда асосий восита сифатида намоён бўлади.

Инсониятнинг қарашлари борлиқ – ҳайвонот ва наботот олами билан шу даражада бирлашиб кетадики, уларнинг бири ҳақидаги тасаввурлар бошқаси ҳақидагисини тўлдиради, мукаммаллаштиради, инсоннинг борлиқ ҳақидаги билимлари яхлитлигини таъминлайди.

Инсоният ўзи яратган мақолларида бири асосидаги тушунчалари билан иккинчиси ҳақидаги фикрларини муқояса қилади, тўлдиради, ифодаларнинг образли бўлишини таъминлайди. Бирламчи фикрлар ифодаси асосида иккиламчи, ҳосила фикрларни вербаллаштиради. Бевосита кузатишда берилган, инсон сезги аъзолари билан англаган ҳодисалар хусусиятлари асосида мавҳум тушунчаларига муайянлик бахш этади. Унинг ижодий тафаккури моҳияти ҳам шунда, кўрганлари, кузатганлари ҳақидаги билимлари асосидагина мавҳум тушунчаларга муносабатда бўлади.

Инглиз тилининг асосий луғат таркибидаги бир қатор сўзлар ўзларининг ривожланган иккинчи даражали маъно системасига эга эканлиги ўз исботини топди. Ушбу сўзларнинг маънолари тўртта, бешта ва ундан ҳам кўпроқ эканлиги аниқланди.

Кўп маъноли сўзларнинг иккинчи даражали маънолари билан боғлиқлик имкониятларини аниқлаш анча мураккаблиги таъкидланади. Тадқиқ этилган луғатларнинг маълумотларига асосланиб, сўзларнинг асосий маъноси билан баъзи бир маънолари марказий маънодан анча узоқда жойлашган ва улар ўртасидаги боғлиқлик рангбаранг йўллар билан амалга оширилишини кўришимиз мумкин. Баъзи ҳолатларда бундай сўзнинг ўзига хос маъно белгиси деб қараш ҳам тўғри ҳисобланади.

Луғатларда сўзлик – сўзларнинг асл маъноларидан келиб чиқиб тузилади. Сўзнинг маънолар тартиби бир нечта тамойиллар асосида луғатларга жойлаштирилади:

- Маънолар жойлашиши уларнинг алоҳида маъноларининг семантик боғлиқлиги асосида, ҳозирги тил нуқтаи назаридан осон аниқланиши даркор;

- Биринчи ўринда сўзнинг асосий маъноси берилиши керак;
- Кўп қўлланадиган, ишлатиладиган маънолари, махсус қўлланадиган маънолардан олдинроқ берилиши керак;
- Сўзнинг кўчма маъноси асосий маъносидан кейин берилади;

Замонавий тилшуносликда кўп маънолилиқ чегарасини аниқлашда аниқ мезонларнинг мавжуд эмаслиги, бир сўз маъноларининг биргаликда, умумий маъно билан махсус маъно, тўғри маъно билан кўчма маъноларни тавсифлашда, фарқлашда луғатшунослар учун катта қийинчиликлар туғилиши аён бўлди. Бир қанча бир тилли ва икки тилли луғатларда кўп маъноли сўзларнинг аниқ маъно ва абстракт маъно, тўғри маъно ва кўчма маъно, умумий маъно ва махсус маънолар ўртасида қандайдир сезиларли даражада маъно ўтиши-боғлиқлиги бўлса луғатда бир бош сўз остида берилиши аниқланди. Шунингдек, маънолар орасидаги семантик маъно ўтиши, боғлиқлиги сезиларли, аниқ бўлмаган ҳолатларда ҳар бир бош сўз тагида метафора бериш амалиёти ҳам аниқланди.

Луғатларда умумистеъмордаги ва норматив тил доирасида қўлланиладиган метофорик сўзлар кодификацияланади.

Луғатларда бош сўзнинг кўчма, метафорик маъноси ва омоним маънолари фарқли равишда кодификацияланади.

Тилдаги барча лексик бирликлар қаторида метафорик бирликлар ҳам замон талаб эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янгилашиб бориши зарур. Таҳлил қилинган луғатлар янги пайдо бўлаётган неологик метафораларни тўлиғича қамраб олмаганини кўрсатди. Бу эса замонавий луғатлар яратиш ва уларда диалектларга хос ва илмий-техникавий соҳаларга оид метафораларни кодификациялаш ва уларни стилистик дифференциялаш масаласини долзарблаштиради.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING SCIENTIFIC
DEGREES PhD.03/30.12.2019.FII.60.02 AT
ANDIJAN STATE UNIVERSITY**

ANDIJAN STATE UNIVERSITY

EGAMBERDIYEV JASURBEK JAHONGIROVICH

**PRINCIPLES OF CODIFICATION OF METAPHORICAL MEANINGS OF
WORDS IN EXPLANATORY DICTIONARIES**

**10.00.06 – Comparative Study of Literature, Contrastive
Linguistics and Translation studies**

**DISSERTATION ABSTRACT
FOR THE DOCTOR OF PHILOSOPHY SCIENTIFIC DEGREE (PhD)
IN PHILOLOGICAL SCIENCES**

Andijan – 2020

The theme of PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under the number B2019.3.PhD/Fil1001.

The dissertation has been prepared at the Andijan state university.

The abstract of the dissertation is posted in three (Uzbek, English, Russian (resume)) languages on the website of Andijan state university (www.adu.uz) and «ZiyoNET» information and educational portal (www.ziynet.uz).

Scientific advisor: **Umarchodjaev Mukhtor Ishonkhodjayevich**
Doctor of Science in Philology, Professor

Official opponents: **Hoshimova Dildora Madaminovna**
Doctor of Science in Philology

Samandarov Rustamjon Dusyorovich
Doctor of philosophy in philology

Leading organization: **Fergana State University**

The defence of the dissertation will take place on « 17 » august 2020 at 9⁰⁰ at a meeting of the Scientific Council PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 awarding scientific degrees at Andijan State University (Address: 129 University street, Andijan, 170100, Tel: 0(374) 223 88 14; Fax: 0(374) 223 88 30; e-mail: agsu_info@edu.uz)

The dissertation is available at the Information Resource Center of Andijan State University (registered number 774). (Address: 129 University street, Andijan, 170100, Tel: 0(374) 223 88 14,

The abstract of the dissertation was distributed on « 5 » august 2020
(Protocol at the registered № 1 on « 5 » august 2020).



Sh.Kh. Shahobiddinova
Chairman of Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philological sciences, Professor



U.E. Rahimov
Secretary of Scientific Council awarding scientific degrees, Candidate of Philological sciences, docent

S.R. Mirzayeva
Chairman of Scientific Seminar at the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philological Sciences, Professor

INTRODUCTION (PhD thesis annotation)

Relevance and necessity of the dissertation topic. World linguistics, including practical lexicography has always paid attention to the expression of national-cultural phenomenon in the language. That's why the subject of cultural linguistics appeared which studies languages in the discourse of national-cultural aspect and it has become one of the main directions of modern linguistics.

Studies the relationship between language and culture in world linguistics show that metaphor is one of the most important means in expressing them, because metaphor stands out with its pure national nature. It comprises all the features of expressing the being and reflecting in its own picture. Metaphor can express the life style of the people, their traditions, customs, mentalities, thoughts and many others, so it is actual to study the metaphor in the aspect of language and society.

Efforts to raise the status and prestige of the Uzbek language as the state language in our country have increased the need for different types of dictionaries. As a result, the creation of monolingual and translation dictionaries and the conduct of scientific research on their development began to play an important role. It is no secret that the practice of teaching students linguistic and cultural competencies in order to develop the lexical competencies of language learners in world practice is yielding effective results. This shows that it is important to codify metaphors that reflect national cultural characteristics in different dictionaries.

The dissertation, to a certain extent, will serve to implement the tasks set out in Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 10, 2012 № PR-1875 «On measures to further improve the system of teaching foreign languages», June 12, 2015, Decree No. PD-4732 «On measures to further improve the system of retraining and advanced training of managers and teachers of higher education institutions», Decree No. PF-4947 of February 7, 2017 «On the Strategy of Actions for the further development of the Republic of Uzbekistan», Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated May 8, 2013. № 124 «On measures to further improve the system of learning foreign languages» on approval of the state educational standard for foreign languages of continuous education and in other normative legislative documents.

Dependence of the research on the priorities of the development of science and technology in the country. The dissertation is carried out in accordance with the priorities of the development of science and technology: 1. «Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state».

The degree to which the problem has been studied. Among the fundamental works studied in the linguistic aspect of the language units that make up metaphors in world linguistics we can show the works of Lakoff G., Teliya V.N., Averina E.D., Arutyunova N.D., Bazarova L.B., Bakhtin M.M., Black M., Budayev E.V., Chudinov A.P., Viko G., Galeyeva N.L., Demyankov V.Z., Dondua K., Dubrovina I.I., Davidson D., Knabe G.S., Kotorova E.G., Krasnikh V.V., Lavrenteva N.B., Johnson M., Pyulzyu E.A., Rinkov L.N., Sklyarevskaya G.N. and other scientific works.

Uzbek scientists A.Abduazizov, D.U.Ashurova, Sh.S.Safarov, M.E.Umarkhodjayev, M.I.Rasulova, A.E.Mamatov, I.K.Mirzayev, B.Yuldashev, A.M.Bushuy, S.R.Rahimov, J.Yakubov and A.Mamadaliyev studied languages from the pragmatic and cognitive point of view, and the following scientists analyzed practical works on dictionaries: T.I.Chijova, A.A.Semenyuk, Z.A.Potikha, D.F.Rozental, F.I.Virchenko, V.Voznyuk, I.V.Gallinger, A.I.Geberle, P.A.Grushnikov, L.N.Kalinina, G.N.Lebedeva, N.P.Pikalova, T.V.Khachaturova, G.G.Erkibayeva¹.

But in the works of above mentioned scientists and lexicographers codification² of national, cultural, semantic features and stylistic world of metaphors were not studied separately.

Relation of the topic of the dissertation to the research work of the higher education institution where the dissertation is written. The dissertation is prepared within the framework of the project «Problems of modern lexicography» which is being held in «Innovative lexicography center» at Andijan state university and according to activity on the theme «Pragma linguistics and cognitology» in the department of «The phonetics of the English language».

The purpose of the research is to show lexico-semantic and linguacultural features of metaphor and to analyze its codification styles in dictionaries.

Research objectives include:

to determine the place of metaphor in dictionaries and analyze its codification styles in dictionaries;

to mark the degree of usage of metaphorical meaning in general and normative field of the language;

the figurative meaning of the word: to determine the degree of differentiation of metaphoric and homonymic words;

to analyze codification of metaphors with archaic meanings and neological metaphors;

to describe metaphors in the dictionaries stylistically, grammatically and phonetically;

Research methods. To carry out the tasks set for the research comparative, distributive, linguistic-statistical, lexicographical analysis and pragmatic analysis methods were used.

The scientific novelty of the research work is as follows:

the place of metaphor in dictionaries is determined and its codification styles in dictionaries are analyzed;

the figurative meaning of the word: the degree of differentiation of metaphoric and homonymic words is determined;

the degree of usage of metaphorical meaning in general and normative field of the language is marked;

¹ Пикалова Н.П. Формирование у младших школьников умения пользоваться лингвистическими словарями разных типов. Автореф. Дис. ...канд. пед. наук - Санкт-Петербург: 2000 г.; Т.В.Хачатурова Обогащение лексического запаса младших школьников на основе использования лингвистических словарей. Автореф. Дис. ...канд. пед. наук - Майкоп. 2007; Г.Г.Еркибаева. Методика работы с учебными словарями на уроках русского языка и литературы в старших классах Казахской школы. Автореф. Дис. ...канд. пед. наук - Алматы-1995.

² Codification – the act of codifying or being codified (Webster's Third New International Dictionary. – Germany. 1993. – P. 438).

codification of metaphors with archaic meanings and neological metaphors is analyzed;
the national picture of metaphor is revealed;
the role of metaphor in language and lexicographic picture of world is explained.

The practical results of the research are as follows:

Conclusions received from the results of the study of codification of metaphorical meanings of words in different dictionaries will give important scientific-practical information for linguistics, they will be a good source in organizing theoretical and practical courses in lexicography and serve to improve monolingual, multilingual, translation dictionaries and textbooks.

The reliability of the research results. Materials taken for analyzing made it possible to come to conclusions about the universal peculiarities of the language. Their reliability is explained by the fact that their being methodologically perfect, clarity of the issues raised and the results obtained are confirmed by foreign experts.

Scientific and practical significance of the research results. The results and scientific conclusions of the work can be used in compiling monolingual, multilingual, translation dictionaries as a theoretical source. Research materials may help in studying national-cultural peculiarities in linguistics and lexicography. Scientific-theoretical conclusions made within the theme of the dissertation will serve to improve the process of education and upbringing.

Practical significance of the dissertation is that conclusions may be used in teaching «Lexicology», «Stylistics» and special courses of Lexicography.

Implementation of research results. On the basis of scientific results and practical recommendations on the principles of codification of metaphorical meanings of words in explanatory dictionaries:

Used in the project within the framework of the state research program «Development of the program of implementation of the applied directions of the Uzbek language ITD-1-57» to determine peculiarities of structural-semantic sides of the language in expressing metaphorical meaning in world languages comparatively (Reference No. 89-03-2118 of the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan dated June 18, 2020). As a result, forming views on ensuring the communicative effectiveness of different linguacultural representatives is improved;

Conclusions on explaining the nature of word as a system under component analysis and word interpretations in modern trends in linguistics were used in the project «Formation of methodological bases, methods and principles of systematic research of the Uzbek language OT-F8-057» (Reference No. 89-03-2118 of the Ministry of Higher and Secondary Special Education of the Republic of Uzbekistan dated June 18, 2020). As a result, methodological problems in the study of systemic features of language units have been solved.

The results of the analysis were used in the preparation of broadcasts «Тилга эътибор», «Ассалом Ўзбекистон!» on the «O'zbekiston» TV channel (Reference number 02-13 / 669 of the National Television and Radio Company of Uzbekistan dated June 12, 2020). As a result, the script of the show is enriched with content.

Approbation of research results. The results of this research were discussed at 13 scientific and practical conferences, including 5 international and 8 national ones.

Publication of research results. A total of 17 scientific papers were published on the research topic, including 4 articles in scientific journals recommended for publication of the main scientific results of doctoral dissertations of the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan, including 3 national and 1 foreign journals.

The outline of the dissertation. The dissertation consists of an introduction, three chapters, a conclusion. The volume of the dissertation is 145 pages.

MAIN CONTENT OF THE DISSERTATION

In the introductory part, the relevance and necessity of the research is substantiated, the aims, tasks, object and the subject of the research are stated, its relevance to the priorities of science and technology development is demonstrated, scientific and effectual significance of the scientific novelty and practical findings are proven, and information about its implementation and the list of published works are provided.

The first chapter of the dissertation, entitled «**Metaphor as a linguacultural phenomenon**», provides views on the interpretation of metaphor in modern metaphorology and the aspect of the commonality of metaphor in language, culture and spirituality.

The artistic or linguistic study of metaphor dates back to the time of Aristotle. In his work «Poetics», the philosopher interprets metaphor as a re-understanding of the meaning it expresses on the basis of the similarity of so-called beings. Linguists point out that this concept has been assimilated into our science through rhetoric. There is information that this term was first used in Isocrates' work Evagorus³. By the twentieth century, it had become the object of real scientific research, and began to be studied in linguistics as one of the inseparable and unique phenomena of language⁴.

Today, metaphor has even risen to the level of a branch of science in linguistics, and the ability to count and record the works done and being done in metaphorology is being limited. As a result of the integration of linguistics with other disciplines, new problems are being put on the agenda. According to the general opinion of linguists, it can be admitted that today there are two major directions of metaphorology:

1. Descriptive approach
2. Lexicographic approach

Each of these directions embraces new approaches and their research subject and methods are unique. Descriptive approach comprises the following:

³ Английские теории языка и стиля. – М. – Л., 1936. – С. 217.

⁴ Bühler K. Sprachtheorie Die Darstellungsfunktion der Sprache. Stuttgart; N. Y.: UTB/Fink, 1984 (Nachdruck der Erstausgabe von 1934) [Рус. перевод – К. Бюлер. Теория языка. М., 1993]; Pepper S. C. The Root Metaphor of Metaphysics // J. of Philosophy. 1935. № 32; Richards I. A. The Philosophy of Rhetoric. N. Y.: Oxford University Press, 1936. Stanford W. B. Greek Metaphor. Oxford, 1936; Carnap R. The Logical Syntax of Language. L., 1937. Muncie W. The Psychology of Metaphor // Archive of Neurology and Psychology. 1937. № 37; Bachelard G. La psychanalyse du feu. P.: Gallimard, 1938; Вико Дж. Основания новой науки об общей природе наций Л., 1940. Дондуа К. Метафора в широком смысле и метафора поэтическая // Язык и мышление. М.; Л., 1940. Т. 9.

1. Hermeneutic study of metaphor
2. Linguaxiological study of metaphor
3. Linguadidactic study of metaphor

And Lexicographic approach deals with monolingual, explanatory, educational or translate dictionaries specialized in describing metaphors.

Defining and explaining the linguistic and cognitive basis of metaphorical meaning forms the basis of the hermeneutic approach. In this regard the works of G.Lakoff, M.Johnson, L.Laudov, L.B.Alberti, M.Veber, A.N.Baranov, V.I.Karasik, G.N.Sklyarevskaya, I.I.Dubrovina and N.A.Lukyanova are noteworthy⁵.

The problem of the lexicographical interpretation of metaphorical meaning is a complex object in linguistics.⁶ For example, it can be seen that differences in the interpretation of words with metaphorical meanings representing plant names in explanatory dictionaries are not based on a single principle. In the five-volume «Explanatory Dictionary of the Uzbek language» published in 2008 in the description of the word «лола» (tulip) it is said that it is used as a name on a metaphorical basis, but in the description of words «атиргул» and «чиннигул» there is no information about their usage metaphorically. The first, that is the main meaning can serve as the basis for the metaphorical meaning.

Researchers have stated that there are a number of tools that reveal metaphorical meaning and that they allow for accurate and objective interpretation of meaning. In particular, O.N.Laguta shows the following semantic linguistic context of the interpretation of metaphorical meaning: 1) figurative; 2) semantics; 3) contradictory meaning; 4) semantic-contradictory meaning; 5) context representing gender; 6) relativity; 7) simulated context.

Although language is composed of national and nominal means, the existing nominal, that is, assimilation units, are saturated with nationalism as they express the product of thought that passes through the prism of the consciousness of the nation that owns the language. Assimilation units are saturated with the spiritual wealth of the nation that has assimilated it, while at the same time enriching the national culture with an element of another culture. Culture, which at first glance seems to have gained originality, is in fact rising to a new stage in the process of intercultural internationalization, intercultural communicative globalization, national identity rises to a new qualitative stage. Even because interethnic integration takes place only within the framework of lexical assimilation, it does not acquire any diffusion, it is

⁵ Карасик В. И. Оценочная мотивировка, статус лица и словарная личность // Филология. 1994. № 3; Розов Н. С. Ценности в проблемном мире: философские основания и социальные приложения конструктивной аксиологии. Новосибирск, 1998; Lakoff G., Johnson M. *Metaphors We Live By*. Chicago; L.: The Univ. of Chicago Press, 1980a; Lakoff G., Johnson M. *The Metaphorical Structure of the Human Conceptual System* // *Cognitive Science*. 1980 b. № 4; Скляревская Г. Н. К вопросу о метафоре как объекте лексикографии // *Современная русская лексикография*: 1981. Л. Наука, 1983; Дубровина И. И. Особенности проявления семантической универсалии в разносистемных языках (метафорическая модель «Путь» в русском и английском языке). Автореф. дис. ... канд филол. наук. Саратов, 2001. Лукьянова Н. А. Образы множества в языке и речи // *Актуальные проблемы лексикологии и словообразования*. Новосибирск, 1975. Вып. 4; Скляревская Г.Н. К вопросу о метафоре как объекте лексикографии // *Современная русская лексикография*: 1981. Л. Наука, 1983; Лукьянова Н. А. Семантические процессы в лексико-семантических группах // *Семантические процессы в системе языка*. Воронеж: Изд-во Воронеж ун-та, 1984

not able to absorb the culture into which it enters, but is absorbed into the structure of this culture.

Just as every language is national, so the national outlook acts on the basis of national-cultural thinking and stereotypes in the assessment of existence. Therefore, the dimensions of national culture, values and thinking, along with the «measurement» of the phenomena of existence, also treat the means of measurement on the basis of the national-mental «standard».

It is well known that any cultural expression has a symbolic nature⁶. The expressions are symbolic in that they are at the same time an outer shell, while on the other hand, they merge with their 'core' like flesh and nails. In this interpretation, the symbolic nature of the language seems to have been somewhat impaired. Unlike any conditional sign, there seems to be some other intrinsic connection between language signs and their expressions. Indeed, the existence of views that promote the ideas of divinity about the origin of language also shows that it is different from other «conditional» signs.

As G.Vico points out, «every metaphor is a little myth»⁷. This in itself shows that the metaphor cannot be imagined without the paint of nationalism. «This is why a definite and abstract sense of being is realized, and it is an effective way of creating myths in language»⁸. So we can have the following opinions of famous members of the world metaphorology G.Lakoff and M.Johnson as the direction of our scientific research: «We are far from saying that all cultural values rule real in harmony with the metaphorical system. Only values that are real and deeply ingrained in the depth of culture are compatible with the metaphorical system»⁹.

There are alternative and non-alternative units in language. But every language has such units that they are different in form but close semantically. For example, the words *a book, a notebook, a pencil, an eraser* in the Uzbek language are given on the basis of words that have the same semantic value. This implies the main denotative meaning of the words. If these words have figurative meaning, we observe differences, not interlingual commonalities. For example, the word *лола* (tulip) in the Uzbek language:

«TULIP» [ф. *تۇلپ*] 1 *bot.* A large, beautiful flowering perennial plant belonging to the tulip family; ornamental plant and its red, yellow and tarragon flowers.

Lola sayli (tulip travel) one of the ancient traditions of the Uzbek people: a trip to the hills when tulips are in bloom.

2 figurative poet. In the color of tulip, red

3 *Lola* (the name of women)¹⁰

The first of the lexeme meanings is scientific sememe and can be marked as a universal sememe. But it is not without a national outlook. The next two meanings

⁶ Базарова Л.В. К вопросу о соотношении языка и культуры // Образование и культура России в изменяющемся мире. – Новосибирск, 2007. – С. 72-76.

⁷ Вико Дж. Основания новой науки об общей природе наций. Л., 1940. – С. 146.

⁸ Мусаева Е.М. Миф и метафора // Фразеология в дискурсах разных типов. Вестник ИГЛУ. Сер. Лингвистика. Иркутск: ИГЛУ, 2000. – С. 113.

⁹ Ладута О.Н. Лингвометафорология: основные подходы. [http://www. Balkan Rusistics](http://www.Balkan.Rusistics) | Статьи | Монографии. Метафорология. Теоретические аспекты. Ч.1. Г.2. § 3-5. – С. 4.

¹⁰ Ўзбек тилининг изоҳли Лугати. 5 томлик. 2-том. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – Б. 507.

have pure national mental character. The tendency of the human face to be red is splendor in the East. We can see it in the example of the word *лола* (tulip) which is used to describe the appearance of Rano in the novel of «Scorpion from the altar» by Abdulla Kodiry: *From that day on I looked forward to seeing Lola. There is nothing worth a tulip other than her nose ring.* (A.Kodiry, «Scorpion from the altar»). Red is the color of luxury in the Uzbek way of life. That's why, in clothing, household appliances, carpets and etc., the emphasis on red is great, and the word *tulip* is used as a unit to express the color.

